

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2021 йил 12 июнданги 133-сон
буйруғига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигидаги харид комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига танлов ўтказиш орқали давлат харидини амалга ошириш жараёнида харид комиссиясининг фаолиятини тартибга солади.

2-боб. Харид комиссияси

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига танлаш ўтказиш орқали давлат харидини амалга ошириш бўйича харид комиссияси (кейинги ўринда Харид комиссияси деб аталади) харид қилиш тартиб-тамойиллари ғолибини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиал органдир.

3. Харид комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

4. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлиб, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-тамойилининг турига боғлиқ бўлади ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзgartирилиши мумкин.

5. Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

6. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссиясираиси йўқлигига унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

7. Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳукуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун давлат буюртмачиси масъулдир.

8. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин.

8. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш хуқуқига эга эмас.

9. Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигига юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш хуқуқига эга.

Харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиқсан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Ваколатли орган вакилини бошқа вазирликнинг харид комиссияси таркибиға киритишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун вазирлик масъулдир.

10. Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

11. Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

12. Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан карор қабул қилингунинг қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

13. Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқаруб ташланади.

14. Вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси Харид комиссиясининг ишчи органди ҳисобланади.

3-боб. Харид комиссиясининг вазифалари

15. Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-тамоили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

16. Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган харакатлар учун жавобгар бўлмайди.

17. Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар вазирлик ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

18. Вазирлик харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиши ташкил этиш мақсадида ихтисослашган ташкилотни ва харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида маслаҳат ва (ёки) таклифларни кўриб чикиш, баҳолаш ҳамда таққослаш бўйича хulosha олиш учун эксперталар ёки эксперт ташкилотлари жалб этиши мумкин.

Вазирлик ихтисослашган ташкилот, экспретлар ва эксперт ташкилотларини Конунда белгиланган талабларга мувофиқ жалб этиш учун жавобгардир.

19. Харид қилиш тартиб-тамоили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув унинг муҳим шартларини, хусусан товарлар (ишлар, хизматлар) унинг сифати ва ассортиментини ўзгартириш, миқдорини ва баҳосини ошириш ҳамда етказиб бериш муддатини узайтириш тарзида ўзгартираса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин. Шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдордаги қўшимча ишлар ва хизматларни амалга ошириш юзасидан ўзгартириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлик ғолиб бўлган таклифни акцптига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2021 йил 14 июнданги 133-сон
буйруғига З-илова

Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш бўйича **ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига электрон дўкон воситасида давлат харидини амалга ошириш тартиб-тамоилларини белгилайди.

2-боб. Электрон дўкон

2. Электрон дўкон маҳсус тоалаблар татбиқ этилмайдиган истеъмол товарларининг ва бошқа товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга ошириш учун мўлжалланган маҳсус ахборот порталидаги маҳсус майдончасидир.

3. Электрон дўконда қуидаги давлат харидлари амалга оширилиши мумкин:

бюджет буюртмачилари учун бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш микдори (кейинги ўринларда БҲМ деб аталади) нинг йигирма беш бараваридан ошмайдиган, бироқ бир йилда бир давлат буюртмачиси учун БҲМнинг икки минг беш юз баравари микдоридаги суммадан кўп бўлмаган товарлар;

бир давлат буюртмачиси учун БҲМнинг йигирма беш бараваридан ошмайдиган микдордаги ишлар, хизматлар.

3-боб. Электрон дўконнинг ишлаши ва ундан фойдаланиш бўйича бириклирлган вазирликнинг масъул ходими

4. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш учун Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси, Бухгалтерия ҳисоби шўъбаси бошлиғи (кейинги ўринларда Масъул ходим деб аталади).

5. Масъул ходим ушбу Йўриқномада белгилangan тартиб-тамоилларга мувоифқ, электрон дўкон воситасида вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилинишини таъминлайди.

6. Вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) таркибий бўлинмалар томонидан вазирлигни биринчи ўринбосари номига киритилган ҳамда розилик белгиси қўйилган буюртманомалар (хизмат хатлари) асосида аниқланади.

7. Вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) таркибий бўлинмалар томонидан вазирнинг биринчи ўринбосари номига киритилган ҳамда розилик белгиси қўйилган буюртманомалар (хизмат хатлари) асосида аниқланади.

4-боб. Электрон дўконда таклифларнинг жойлаштирилиши

8. Электрон дўкон иштирокчиларининг таклифларидан шакллантирилади. Иштирокчининг электрон дўконда қўйилган таклифи вазирликка юборилган оммавий офертадир.

9. Иштирокчи томонидан электрон дўконда жойлаштирилган таклифда кўйидагилар кўрсатилади:

таклиф этилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) номи;
сотиш нархи;

товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи;

товарнинг русуми ва техник параметрлари (стандартлаштириш бўйича норматив хужжат, техник паспорт);

товарнинг фото сурати;

товар етказиб бериладиган (иш бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) худуд;

товар ишлаб чиқарувчи ва товар келиб чиқсан мамлакат тўғрисидаги ахборот;

кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот;

товар ишлаб чиқарилган йил (озик-овқатлар ва тез бузиладиган товарларнинг ишлаб чиқарилган куни, ойи, йили);

товарнинг яроқлилик муддати (кун, ой, йил);

ишни бажариш, хизматни кўрсатиш муддати;

товарни (ишни, хизматни) мажбурий сертификатлаштириш талаб этиладиган ҳолларда мувофиқлик сертификати тўғрисидаги ахборот, шунингдек санитария-эпидемиологик, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария хуносалари ёки экологик экспертиза ҳақидаги ахборот;

қонунчиликка биноан лицензиялашнинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа хужжат олишнинг ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарномани юборишнинг мажбурий талаби мавжуд бўлган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа хужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

10. Иштирокчининг офертаси у электрон дўконда жойлаштирилган пайтдан эътиборан ўн беш иш куни мобайнида амал қиласди. Ушбу муддат тугаганидан кейин иштирокчи уни яна ўн беш иш кунига активлаштиришга ҳақли.

Офера вазирлик томонидан акцептлангунга қадар иштирокчи офертани ҳар қандай муддатда чақириб олишга ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

11. Вазирлик масъул ходими электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танланганидан кейин нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

12. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлади.

13. Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф маҳсус портали томонидан юборилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

14. Иштирокчиларга юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф вазирлик маъсул ходими томонидан танланган иштирокчининг офертасига доир ҳаволани ўз ичида олади.

15. Харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш таклифини олган иштирокчи вазирлик маъсул ходими томонидан танланган офера нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишига ҳақли.

16. Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

17. Давлат харидларининг электрон тизими вазирлик ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказади

18. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан вазирлик ёки иштирокчилар якунлар сарҳисоб қилинадиган пайтга қадар фойдалана олмайди. Ижрочининг номи ғолиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилади.

19. Давлат харидларининг электрон тизими шартномани вазирлик маъсул ходими томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

20. Харид қилиш тартиб-таомилларининг якунига кўра факат танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчигина иштирок этган ҳолларда давлат харидларининг электрон тизими вазирлик маъсул ходимига электрон шаклда савдолашиб имконини берувчи сўровни юборади. Бунда вазирлик маъсул ходимида танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига у таклиф қилган нархдан пастроқ асосланган нарх сўровини юбориш имконияти пайдо бўлади. Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи бундай сўровни бир иш куни ичида қабул қилиши ёки рад этиши мумкин.

Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилганда давлат харидларининг электрон тизими вазирлик ва ижрочи ўртасидаги битимни маъсул ходим томонидан юборилган сўров нархи асосида рўйхатдан ўтказади.

21. Агар танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қиласа ёки рад этса, вазирлик ўз хоҳишига кўра мазкур ижрочи билан шартномани расмийлаштириши ёки Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ бошлангич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали харидни амалга ошириши мумкин. Бунда жавобгарлик вазирликнинг зиммасига юклатилади.

Агар харид қилиш тартиб-таомиллари тугаганидан кейин бир иш куни ичида вазирлик томонидан нарх сўрови юборилмаса, давлат харидларининг электрон тизими вазирлик ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказади.

Вазирлик томонидан нархларни ўрганиш давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очик манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2021 йил 17 июндаги 133-сон
бўйргига 4-илова

**Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион
воситасида давлат харидларини амалга ошириш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига (кейинги ўринларда Конун деб аталади) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион воситасида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-тамоилларини белгилайди.

2-боб. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион

2. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундай буён матнда аукцион деб юритилади) давлат харидларининг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этишда нарх иштирокчисини ташлашнинг ягона мзони бўлади ва бунда мазкур норма товарларни белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

3. Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади.

**3-боб. Аукционнинг ишлаши ва ундан фойдаланиш бўйича
бириклилган вазирликнинг масъул ходими**

4. Аукцион воситалада давлат харидларини амалга ошириш учун Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси Шўъба бўлимни бошлиғи масъул ҳисобланади (кейинги ўринларда Масъул ходим деб аталади).

5. Масъул ходим ушбу йўриқномада белгиланган тартиб-тамоилларга мувофиқ аукцион воситасида вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган таворларни (ишларни, хизматларни) харид қилинишини таъминлайди.

6. Вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган таворларни (ишларни, хизматларни) таркибий бўлинмалар томонидан вазирлигинг биринчи ўринbosарига киритилган ҳамда розилик муносабати билдирилган хизмат хатлари асосида аниқланади.

4-боб. Аукцион ўтказиш мезонлари

7. Аукцион воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вактнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эскплутация қилиниши хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш заруриятининг мавжуд эмаслиги;

ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди объекти бўлмаслиги;

товарниг техник, эскплутация қилиниши хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш заруриятининг мавжуд эмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий хисоблаш микдорининг олти минг бараваригача бўлган микдорини ташкил этиши керак.

8. Хизматлар ва ишларнинг давлат хариди аукцион обьекти бўла олмайди.

9. Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади. Бунда мазкур норма белгиланган сифат стандартларига мувофиқ бўлган товарларни етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

5-боб. Аукцион ўтказилиши тўғрисида эълон мезонлари

10. Аукцион фақат электрон шаклда ўтказилади:

11. Аукционда иштирок этиш учун вазирлик маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига эълон жойлаштиради.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон у амалга оширилишидан камида беш иш куни аввал жойлаштирилиши керак.

12. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

вазирликнинг номи ва манзили;

аукционнинг биринчи ва охирги куни (аукцион ўтказиладиган давр);

аукцион предметининг бошланғич нархи;

аукцион предметининг хусусиятлари (аукцион предметининг таснифи);

товарнинг миқдори;

товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари;

товар етказиб бериладиган жой (манзил);

товарнинг амалдаги стандарт талабига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжат мавжудлиги хақидаги талаб;

товар мажбурий сертификатлаштирилиши талаб этиладиган ҳолларда, мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиологик хulosса мавжудлиги тўғрисидаги талаб;

зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа хужжат ёхуд фаолиятни бошлагани хақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги талаб;

товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи алоҳида шартлари.

13. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг ва вазирликнинг буюртманомасининг матнига аукцион предметига тааллукли бўлмаган ва иштирокчилар ўртасида ракоботни чеклайдиган талабларни киритиш тақиқланади.

14. Маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон автоматик равишда вазирликнинг буюртманомаси этиб ўзgartирилади.

6-боб. Аукцион ўтказиш тартиби

15. Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади.

16. Аукционни ўтказиш, киритилган таъминот суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича аукциондан фойдаланиш, аукцион ғолибларини аниқлаш, битимни рўйхатдан ўтказиш ва шартномани шакллантириш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

17. Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион бошланган пайтдан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

18. Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ғолиби аниқланадиган пайтга қадар давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилмайди.

19. Аукцион тугайдиган вақт келганда давлат харидларининг электрон тизими аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равища аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион ғолиби сифатида давлат харидларининг электрон тизими томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилиб, ушбу тизим тузилган битимни автоматик равища қайд этади ва вазирликнинг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

20. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолиб аниқланмайди. Вазирлик аукционни уч иш кунига узайтириши ёки харидни Қонун талабларига мувофиқ электрон дўкон воситасида (ушбу Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга ошириши мумкин.

21. Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида вазирлик томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2021 йил 17 июндаги 133-сон
бўйруғига 5-илова

Танлов воситасида давлат харидларини амалга ошириш бўйича ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига танлов ўтказиш орқали давлат харидини амалга ошириш тартиб-тамоилларини белгилайди.

2-боб. Танлов

2. Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-тамоилини амалга оширишнинг тури тушунилади.

3. Давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига танлов ўтказиш тўғрисида эълонни ва танлов ҳужжатларини жойлаштириш орқали чекланмаган доирадаги шахсларга маълум қилинади.

3-боб. Танлов ўтказиш мезонлари

4. Танлов воситасидаги давлат хариди қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил ва аниқ таърифини таърифлаш имкони мавжуд;

ғолиб аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафакат пул ифодасидаги, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

бюджет буюртмачилари учун таловдаги товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда БХМ деб аталади) нинг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда БХМ деб аталади) йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак.

5. Агар инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан давлат буюртмачилари тендер ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартнома тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид қилиш тартиб-тамоил давлат харидининг суммасидан қатъий назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилади.

Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

4-боб. Танлашни ўтказишда харид комиссияси

5. Танлаш орқали давлат харидларни амалга ошириш учун вазирлика танлаш ўтказиш орқали давлат харидини амалга ошириш бўйича харид комиссияси маъсул ҳисобланади. Харид комиссиясининг масъул котиби танлаш орқали давлат харидини амалга ошириш билан боғлиқ комиссия фаолиятини ташкил этади.

6. Харид комиссияси ушбу йўрикномада белгиланган тартибтаомилларга мувофиқ танлаш воситасида вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилинишини таъминлайди.

7. Вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) вазирлик марказий аппарати бўлинмалари томонидан вазирнинг биринчи ўринbosари номига киритилган ҳамда розилик муносабати билдирилган хизмат хати асосида ташкил этилади.

8. Давлат харидини танлаш орқали амалга ошириш учун вазирликнинг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Танлашни ўтказишда харид комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши лозим.

9. Харид қилиш жараёни якунига етканидан сўнг харид комиссиясининг масъул ходими тегишли ҳужжатларни (хизмат хатлари, баённомалар, танлов ҳужжатлари, шартномалар, товарларга тегишли ҳужжатлар, ҳисоб фактуралар ва бошқа ҳужжатлар) вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармасига тақдим этилади.

5-боб. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон

10. Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот вазирлик томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек вазирлик ҳоҳишига кўра — унинг расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари билан вазирликка тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳукуки бериладиган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон факат давлат харидига доир техник топшириқ бўйича Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хulosаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари вазирлик томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни олдин маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек вазирлик

хохишига кўра — ўзининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, вазирлик танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу мoddанинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узокроқ муддатга жойлаштиришга ҳақли.

11. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсили тавсифи ва нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

вазирликнинг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

6-боб. Танлов ҳужжатлари

12. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда вазирлик томонидан жойлаштирилади.

13. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги ахборот;

танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;

иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топширик;

Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл кўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

14. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида вазирлик ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда вазирлик турли

товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танлашнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомилининг шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Вазирлик харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлади.

Вазирлик харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартирислар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартирисига йўл қўйилмайди.

7-боб. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

15. Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

16. Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

17 Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

18. Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилади.

8-боб. Танлашни ўтказиш

19. Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади. Бунда вазирлик Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

20. Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар

солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошлангич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

21. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилиши мумкин.

Суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган танлаш харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин, бироқ бир молия йилида вазирлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдоридан ошмаслиги керак. Бунда ғолиб вазирлик томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солишириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланади. Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир кўшимиш келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай вазирлик томонидан маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилади.

9-боб. Танлаш ғолибини аниқлаш

22. Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома вазирлик томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, вазирлик ва

харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Мұхокама учун белгиланған муддат тугаганидан кейин келиб тушган әзірізлар харид комиссияси томонидан күриб чиқылмайди.

23. Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бүйіча әзірізлар келиб тушганда, харид комиссияси әзірізларни күриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласы.

Вазирлик томонидан харид комиссиясига тақдим этилған мұхокама натижалари тұғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясинг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланған кундан бошлаб уч иш куни ичіда давлат харидларининг электрон тизимиға жойлаштирилади.

24. Танлаш натижалари бүйіча тузилған шартнома тұғрисидаги ахборот вазирлик томонидан маҳсус ахборот порталынан у тузилған кундан бошлаб уч иш кунидан кечіктирмай жойлаштирилади.

10-боб. Танлаш натижаларини расмийлаштириш

25. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бүйіча харид қилиш хужжатларыда ва ўзи билан шартнома тузилаётганды танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилған таклифде назарда тутилған шартлар асосида тузилади.

26. Вазирлик томонидан танлаш бүйіча харид қилиш хужжатларыда ғолиб шартноманың шартлари бажарылыш таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт күйилиши мүмкін.

27. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммасы қайтариб берилмайды. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланған бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажарыш хукуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилған нарх бүйіча (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилған нархдан паст бўлған ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мүмкін.

28. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, вазирлик Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (Қонуннинг 49-моддасида белгиланған мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мүмкін.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2021 йил "17" июндаги 133-сонли
буйруғига б-илова

Тендер воситасида давлат харидларини амалга ошириш бўйича ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Конунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) тендер воситасида давлат харидларини амалга ошириш тартибтаомилларини белгилайди.

2-боб. Тендер

2. Тендер деганда давлат харидини икки босқичда амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили орқали ижрочини аниқлаш усули тушунилади. Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ушбу тартиб-таомил натижалари бўйича ғолиб деб топилади.

3. Давлат хариди ҳақидаги ахборотни давлат буюртмачиси тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва тендер хужжатларини маҳсус ахборот порталига жойлаштириш орқали шахсларнинг чекланмаган доирасига маълум қиласи.

4. Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида вазирлик харид комиссияси томонидан аниқланади.

3-боб. Тендер ўтказиш мезонлари

5. Тендер воситасидаги давлат хариди қуидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нафакат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

бюджет буюртмачилари учун тендердаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этиши керак.

4-боб. Тендерни ўтказиша вазирлик харид комиссияси

6. Тендер воситасида давлат харидларини амалга ошириш бўйича вазирлигининг харид комиссияси масъул ҳисобланади.

7. Вазирлик харид комиссияси ушбу йўриқномада белгиланган тартиб-

8. Вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бошқарма ва бўлимлар томонидан вазирлик раҳбариятига киритилган ҳамда тегишли муносабат белгиси қўйилган хизмат хатлари асосида аниқланади.

9. Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

Агар мажлисда харид комиссияси аъзолари умумий сонинг камидаги учдан икки қисми ҳозир бўлса, харид комиссияси ваколатли ҳисобланади. Барча қабул қилинган қарорлар баённомалар билан расмийлаштирилиши керак.

5-боб. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон

10. Тендер воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот вазирлик томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек вазирликнинг хоҳишига кўра унинг веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон факат тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари юзасидан Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хulosаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камидаги ўн икки иш куни ва кўпич билан ўттиз иш куни олдин маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида вазирлик томонидан жойлаштирилади.

11. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда куйидаги ахборот бўлиши керак:

тендерни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошлангич нархи;

тендер ўтказиладиган жойнинг манзили;

тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

вазирликнинг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

тендер таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

12. Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

6-боб. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари

13. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда вазирлик томонидан жойлаштирилади.

14. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

тендерда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;

тендер иштирокчиси таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби ҳақидаги ахборот;

тендер иштирокчиларига тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топширик;

Қонунга мувофиқ тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

тендер иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

15. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида вазирлик ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда вазирлик турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун факат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомили шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

16. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларига унинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Вазирлик харид комиссияси билан келишилган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлади.

Вазирлик харид комиссияси билан келишилган ҳолда тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида ўн иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади. Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

17. Тендер иштирокчиси вазирликка тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришлар бериш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида вазирлик, агар ушбу сўров вазирликка таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

18. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Комплекс экспертиза қилиш марказига киритилади.

19. Вазирлик тузилган шартномалар, импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувларнинг харид қилиш ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳақиқийлиги учун жавобгар бўлади.

7-боб. Тендер иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

20. Тендер иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Электрон шаклда тендер ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21. Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

22. Тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

23. Тендер иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

24. Тендерда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилади.

Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда тендер иштирокчиларидан камида иккита таклиф олинган бўлса, тендер иштирокчиларининг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

25. Тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, тендер ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолда вазирлик харид қилиш тартиб-таомилини айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такroran амалга ошириши шарт. Товарга (ишга, хизматга) доир баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарур бўлганда, харид комиссияси асосларни кўрсатган ҳолда тегишли қарорни қабул қиласди.

26. Тендер иштирокчиси бундай таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

8-боб. Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

27. Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Агар таклиф Қонуннинг ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

Агар таклифни киритган тендер иштирокчиси Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёки тендер иштирокчисининг таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

28. Эълонда тендер ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси тендер иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Агар таклифлар солинган конвертлар белгиланган вақтда очилмаган бўлса, вазирлик тендер иштирокчиларига ушбу ҳолат юзасидан асослантирилган тушунтириш берган ҳолда, таклифлар солинган конвертлар очиладиган вақт ҳақида хабарнома юборилишини ва давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилишини таъминлайди. Бунда таклифлар солинган конвертлар очиладиган дастлабки белгиланган вақт ва кейинги вақт оралиғидаги муддат беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Тендер таклифлари солинган конвертларни очиш жараёни вақтида вазирлик томонидан видеоёзув амалга оширилади ҳамда конвертларни очиш жараёнида иштирокчиларнинг тақдим этган барча хужжатлари ва тижорат таклифининг нархи ўқиб эшиттирилади, бундан тендер электрон шаклда ўтказиладиган ҳоллар мустасно.

29. Тендер иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида тендерда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

30. Тендер бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида тендер ғолибини аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

Биринчи босқичда тендер иштирокчиси таклифининг техник қисмини баҳолаш амалга оширилади. Харид комиссиясининг тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг биринчи босқичини баҳолаш якунлари кўрсатилади.

Тендернинг иккинчи босқичи тендернинг биринчи босқичидан ўтган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлганда ўтказилади.

Тендернинг иккинчи босқичида таклифининг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Харид комиссиясининг тендер таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг иккинчи босқичи ғолиби аниқланади. Тендерда иштирокчиларнинг нархи бошлангич нархдан юқори бўлган таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

31. Тендер иштирокчisinинг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида иштирок этишга ҳақли.

Таклифларни кўриб чиқиши натижалари бўйича:

биринчи босқичда — агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ келса;

иккинчи босқичда — агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса, тендер ўтказилмаган деб топилади.

32. Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) техник хусусиятларидан келиб чиқиб, тендер бир босқичда ўтказилиши мумкин. Бунда

вазирлик бу ҳақда тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатиши керак. Мазкур ҳолатда тендер таклифининг техник ва нархга оид қисмларини очиш ҳамда баҳолаш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

33. Тендер бир босқичда ўтказилганда, агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса, тендер ўтказилмаган деб топилади.

34. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси голиб деб топилади.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган иштирокчи харид комиссиясининг қарори билан захирадаги голиб деб белгиланиши мумкин.

35. Агар тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендернинг ҳар бир товари (иши, хизмати) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси ғолиби тендернинг ҳар бир предмети бўйича аниқлади.

36. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида қайд этилади.

37. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуидаги ахборот бўлиши керак:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вакт тўғрисидаги;

хозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчилари тўғрисидаги;

таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), турган жойи (пошта манзили).

38. Тендер босқичларида таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг хозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма баённома имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимида эълон қилинади.

39. Тендернинг исталган иштирокчisi таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан кейин вазирликка тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Вазирлик бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida тендер иштирокчisiga тегишли тушунтиришларни тақдим этади.

40. Вазирлик ва харид комиссияси таклифларни қабул қилиш тугайдиган пайтга қадар уларни муҳокама қилишга ҳақли эмас.

9-боб. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

41. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш хужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

42. Голиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуқи захирадаги голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб голиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги голиб шартнома тузишдан бош тортса, вазирлик янги тендер ўтказади.

43. Тендер натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот вазирлик томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилди жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2020 йил 14 июнданги 133-сонли
буйруғига 7-илова

**Ягона етказиб берувчилар билан амалга ошириладиган
давлат харидлари бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Конунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидларини тартиб-таомилларини белгилайди.

2-боб. Ягона етказиб берувчи тушунчаси

2. Табиий монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармонларида, қарорларида ва фармойишларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи ягона етказиб берувчидир.

3-боб. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат хариди

3. Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, у ва давлат буюртмачиси ўртасида маҳсус ахборот порталида рўйхатга олиниши лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилади.

4. Ягона етказиб берувчи билан давлат харидлари қуидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилади:

бозорда муқобиллари бўлмаган ва фақат ягона етказиб берувчидан харид қилиш мумкин бўлган техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

маданий қимматликларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосидаги давлат харидлари;

табиий монополия субъекти товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

ўз ваколатларига мувофиқ фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлари томонидан

4-боб. Ягона етказиб берувчилар реестри

5. Ягона етказиб берувчилар реестри ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган ахборот ресурсидир.

6. Ягона етказиб берувчилар реестри ягона етказиб берувчидан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ва ягона етказиб берувчилар рўйхатидан иборатдир.

5-боб. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат хариди учун бириктирилган вазирликнинг масъул ходими

7. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат хариди бўйича Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси бошлигининг ўринбосари масъул ҳисобланади (кейинги ўринларда Масъул ходим деб аталади).

8. Масъул ходим ушбу йўриқномада белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ ягона етказиб берувчилардан вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарларни (ишлар, хизматлар,) харид қилинишини таъминлайди.

9. Вазирлик фаолияти учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) таркибий бўлинма томонидан вазирлик раҳбариятига киритилган ҳамда тегишли муносабат белгиси қўйилган хизмат хатлари асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2020 йил 17 июнданги 133-сонли
бўйруғига 8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига давлат
харидларини амалга ошириш бўйича одоб-ахлоқ
қоидалари**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Конунига (кейинга ўринларда Конун деб аталади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига давлат харидларини амалга ошириш жараёнида иштирок этувчи вазирлик масъул ходимлари ва Харид комиссияси аъзоларининг (кейинги ўринларда масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари деб аталади) одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди.

2. Давлат харидларини ўтказиш учун Одоб-ахлоқ қоидалари қуидагиларни назарда тутади:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чора-тадбирлари;
касбий тайёргарликни текшириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар.

3. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари томонидан давлат харидлари иштирокчиларидан моддий ва номоддий бойликларни олиш тақиқланади.

4. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоларининг одоб-ахлоқи қоидаларида касбга доир ва хизматдан ташқари фаолиятда одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидалари, касбий тайёргарликка доир ягона талаблар белгиланади.

5. Одоб-ахлоқ қоидалари вазирликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

2-боб. Одоб-ахлоқ қоидалари асосий принциплари

6. Одоб-ахлоқ қоидалари асосий принциплари қуидагилардир:

одоб-ахлоқ қоидаларининг очиқлиги, ошкоралиги ва оммавийлиги; ўзаро муносабатларда ишонч, ҳалоллик ва тўғрилик;

иш амалиётда ва коррупцияга қарши одоб-ахлоқ стандартларини қўллашда конунларга сўзсиз риоя этиш;

иштирокчиларнинг касбий маҳорати;

ахборотнинг очиқлиги;

сабрлилик, бағрикенглик ва ўзаро муносабатларда юқори маданият.

7. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя этишлари шарт. Ҳеч қандай фавқулодда ва бошқа алоҳида ҳолатлар, норматив-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар бузилганлигини оқлаш учун асос бўла олмайди.

қолган ҳолларда, ушбу масъул ходим ва харид комиссиясининг аъзоси қонунни бузган бошқа масъул ходим ва харид комиссияси аъзосига унинг ҳаракатлари билан қонун ҳужжатлари бузилаётганлиги ва унинг оқибатлари ҳақида маълум қилиши шарт.

9. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси, бошқа масъул ходимнинг ва харид комиссияси аъзосининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки вазирликнинг ички ҳужжатларини бузиш нияти ҳақида маълум бўлиб қолган ҳолларда, ушбу масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

10. Манфаатлар тўқнашуви пайтида масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг ўз хизмат вазифасидан ноқонуний фойдаланган ҳолда, ўзи учун ва у томонидан манфаати бевосита ёки билвосита ҳимоя қилинаётган бошқа шахслар, корхона, муассасалар учун ғаразли фойда ва (ёки) имтиёз олиш мақсадида шартшароитлар яратишга қаратилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, ушбу Қоидаларга нисбатан коррупцион ҳавфли ҳаракат ҳисобланади. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси, у қандай лавозимни эгаллашидан қатъий назар, коррупцион вазиятлар ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва енгиб ўтишга қаратилган коррупцияга қарши барча чораларни кўриши лозим. Коррупцион ҳукуқбузарликлар содир этишга ҳаракат қилишга оғдириш учун бирор-бир шахслар томонидан унга мурожаат қилинган барча ҳолларда, бу тўғрида ўзининг бевосита бошлиғи ёки вазирлик раҳбариятига дарҳол ахборот бериш, масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг маънавий бурчи ҳисобланади. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзосида коррупцияга қарши одоб-ахлоқ кўникмаларининг шакллантириш зарурати, унга ўзига нисбатан онгли равишда ахлоқий мажбуриятлар, чеклашлар ва тақиқлар қўйилишини назарда тутади. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг маънавий поклиги, виждонини сотмаслиги, биржа манфаатларига ва хизмат вазифасига содиқлиги, коррупцияга қарши касб – этика ва одоб-ахлоқ стандартларининг асосини ташкил этади.

11. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси иштирокчилар билан муносабатларда тенглик принципига риоя этишлари, бошқаларга нисбатан афзал муносабатларни ва камситилиш ҳолатларини юзага келишига йўл қўймасликлари керак.

12. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси ўз фаолиятини амалга оширишда вазирлик манфаатига зарар етказиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларга йўл қўймасликлари шарт.

13. Куйидагилар манфаатлар тўқнашувининг шартлари ҳисобланади:

- масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг манфаатдорлиги унинг ўзига юклатилган вазифаларни объектив бажаришига таъсир этади ёки таъсир этиши мумкин;

- биржа ходимининг манфаатдорлиги давлат харидлари иштирокчиларинг қонуний манфаатларига қарши келади ва у бундай қонуний манфаатларга зарар етказишига қодир бўлади.

14. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси:

- бирор-бир давлат харидлари иштирокчисига бошқасига нисбатан заар етказган ҳолда имтиёз беришга;
- иштирокчилар билан ишлаш жараёнида бирор-бир сабаб ёки асос билан уларни камситишга;
- иштирокчиларнинг электрон давлат харидларида иштирок этишга; иштирокчилар билан билан шартномавий муносабатга киришишга ҳақли эмас.

15. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг давлат харидлари иштирокчилари билан ишлаш жараёнида барча иштирокчилар учун шартларнинг бир хил бўлишини таъминланиши лозим.

16. Давлат харидлари билан боғлиқ ахборотнинг очиқлиги, масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси фаолиятининг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Вазирликда ахбортнинг очиқлиги вазирликнинг хизмат сири бўйичагина чекланиши мумкин.

17. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари хизмат вазифаларини бажаришлари вақтида, ўзларига маълум бўлиб қолган махфий ахборотни сир сақланиши бўйича барча чораларни кўришлари шарт. Вазирликнинг ёки давлат харидлари иштирокчиларининг хизмат ёки тижорат сирларига оид махфий маълумотлари (ушбу маълумотлар эгасининг ёзма розилигини олмасдан туриб) ошкор этилиши ёки учинчи шахсларга ҳақ эвазига ёки текинга берилиши таъқиқланади.

18. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари томонидан вазирлик ва иштирокчиларнинг фаолияти ва манфаатига заар етказиши мумкин бўлган, ёлғон маълумот тарқатишга, фактларни манипуляция қилишга, тухмат ва уйдирмаларни тарқатишга йўл қўйилмайди.

19. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари бошқаларнинг дунёкараши, турмуш тарзи, одобахлоқи ва удумлари, жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, уларга нисбатан сабрли бўлишлари шарт. Улар профессионал фаолиятларида ўзларининг одобахлоқлари ва ташки кўринишлари билан жамиятда шаклланган маданият ва урфодат нормаларига эътиборсиз бўлишдан ва хурматсизлик қилишдан тийилишлари шарт.

20. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари мулоқотларда ўзаро хурмат кўрсатишга ва сабрли бўлишга мажбурдирлар. Меъёрий бўлмаган лексика, кўркитиши ва хақоратлардан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

3-боб. Манфаатлар тўқнашуви ва улар олдини олиш чора-тадбирлари

21. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

22. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари шахсий манфаатдор эмаслигини, шунингдек ўз оила аъзоларининг манфаатдор эмаслигини кафолатлаши

керак, акс ҳолда шахсий манфаатдорлик ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида зиддият юзага келади ёки келиши мумкин;

23. Манфаатларнинг исталган потенциал, тахмин қилинаётган ёки мавжуд тўқнашуви ҳакидаги ахборотнинг ошкор этилишини кафолатлаши керак.

24. Мавжуд ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган ҳолатда, масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари бу ҳақда бевосита бошлиги ёки вазирлик раҳбариятига хабар қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган вазирлик раҳбарияти унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

25. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари ўз хизмат вазифасини бажариш давомида вазирлик манфаатига заарар етказувчи манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи шахсий ғаразга йўл кўймасликлари шарт. Манфаатларнинг тўқнашувини, масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг номига маънавий заарар етказиши мумкин бўлган ҳамда хизмат вазифаси ва шахсий ғаразли манфаатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ташкил этади. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси у хизмат ёки бошқа норасмий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахслар учун ҳар қандай шаклдаги фойда олиш имконияти, Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоларининг шахсий ғаразли манфаати деб ҳисобланади. Қонунда белгиланган ҳолларда ташқари, Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари томонидан совға, мукофот олиш ёки бериш, шунингдек турли мулозамат, хизматлар кўрсатиш (кейинги ўринларда - совғалар деб юритилади), этика жиҳатидан ноаник вазиятларни келтириб чиқариши, манфаатлар қарама-қаршилигини юзага келтириши мумкин. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари совға олиш ёки беришда, совға берган (олган) шахсга нисбатан тобе ҳолатга тушиб қолади, бу эса коррупцияга қарши одоб-ахлоқ стандартларига зид ҳисобланади. Қабул қилган қариндошлиқ, юртдошлиқ, ўртоқлик муносабатлари юзасидан совғалар олиш (топшириш), манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги керак.

26. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоси манфаатлар тўқнашуви юзага келмаслиги учун қуидагиларга риоя этиши керак:

- манфаатлар қарама-қаршилишини юзага келиши учун сабаб бўлиши мумкин бўлган, олиниши лозим бўлмаган фойдан олишдан воз кечиш;

- юзага келган ёки келиш хавфи бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳакида ўзининг бевосита бошлиги ёки вазирлик раҳбариятига хабар бериш;

- гумонли, обрўсизлантириши мумкин бўлган шахсий муносабатларга чек қўйиш;

- коррупцияга қарши курашиш ва ҳар қандай даражадаги коррупционерларини фош қилиш; манфаатлар қарама-қаршилигининг салбий оқибатларини енгиш бўйича чоралар кўриш.

27. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзосининг даромадлар, мол-мулк ва мулкий характердаги мажбурияти бўйича маълумотлар беришдан бош тортиши, унинг ишончсиз ходим сифатида баҳолаш билан бирга, бу ҳолат манфаатлар тўқнашувини келиб чиқиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

4-боб. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзоларининг касбий тайёргарлигини текшириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар

28. Вазирлик масъул ходим ва харид комиссияси аъзоларининг юқори профессионал даража ва малакага эга бўлишларини таъминлашлари, уларнинг малакаси ва профессионал даражасини ошириш, ҳамда малака ва профессионал тайёргарлигини текшириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

29. Масъул ходим ва харид комиссияси аъзолари ўз лавозим мажбуриятларини вижданан бажарилари, ўз ташкилотларига содик бўлишлари, уни ривожлантиришга, ишчанлик обрўсини оширишга кўмаклашишлари шарт.

30. Вазирлик масъул ва харид комиссияси аъзоларининг лавозим мажбуриятларини нормал бажарилари ҳамда доимий равишда уларнинг профессионал тайёргарлиги ва малакасини ошириш борасида, шунингдек уларни оргтехника, маълумот ва ўқувметодик нашрлар, норматив-хуқуқий хужжатлар, биржа хужжатларни ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш борасида тегишли чораларини кўришлари шарт.

5-боб. Якуний қоидалар

31. Мазкур Қоидалар вазирликнинг тегишли бўйруғи билан тасдиқланган ва вазирлик веб-сайтида эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

32. Давлат харидлари соҳасида юзага келадиган низолар қонунчилиқда белгиланган тартибда ҳал этилади.

33. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш ва шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш Конун ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

34. Конун билан белгиланган давлат харидлари субъектлари ва уларнинг мансабдор шахслари Конунга ва бошқа қонунчилик хужжатларига, шунингдек коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун жавобгар бўлади.

35. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.